

## **МИЛЛИЙ КУТУБХОНАДА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ**

---

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда «Central Asia — 2015: фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот-кутубхона ресурслари» мавзусида IX халқаро конференция ташкил этилди.**

Унда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Чехия, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Озарбайжон, Қозогистон, Украина ва бошқа мамлакатларнинг ахборот-кутубхона муассасалари ходимлари, ўқув юртлари, нашриёт ва ахборот технологиялари компаниялари вакиллари қатнашди.

Ахборот асри деб ном олган ҳозирги даврда фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида электрон ахборот ресурсларини қўллаш ва ахборот-кутубхона муассасалари, ўқув юртлари, архивлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар ўртасида самарали ҳамкорликни ривожлантириш, уларни халқаро тенденциялар асосида олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

— Бугунги кунда ахборот-коммуникация тизими иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барча тармоқларига жорий этилмоқда, — деди **Миллий кутубхона директори Асаджон Хўжаев**. — Бу эса мамлакатни ҳар томонлама ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Масалан, «электрон ҳукумат» тизими тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига давлат хизматлари кўрсатишда ҳар томонлама қулайликлар яратиб, маблаг ва вақтни тежашга хизмат қилмоқда.

Бизнес, тадбиркорлик субъектларини интернет рўйхатидан ўтказиш, ҳисоботлар топшириш, божхона тартиб-таомилларидан ўтиш шулар жумласидандир.

Анжуман иштирокчилари миллий кутубхонада амалга оширилаётган ишлар, қўлланилаётган энг сўнгги ютуқлар, янги ахборот-ресурс марказлари ташкил этиш борасида амалга оширилаётган тизимли ишлар билан таништирилди.

Миллий кутубхона негизида ташкил этилган автоматлаштирилган ягона ахборот-кутубхона тизими халқаро талаб ва нормаларга тўлиқ мос келади.

— Ўзбекистон ахборот-коммуникация ва нашриёт-матбаачилик соҳасида катта салоҳиятга эга, — дейди **Германия кутубхоначилар уюшмаси раиси Френк Редис**. — Миллий кутубхонангиз ҳақиқатдан ҳам дунё андозалари даражасида фаолият олиб бораётганлиги мени жуда қувонтирди. Дунёда бундай мухташам кутубхоналар бармоқ билан санарли десам, хато бўлмас.

— Мен АҚШдан келдим — дейди анжуман иштирокчиси Ума Хиремате. — Кутубхонадаги имконият ва шароитлар билан танишдим. Бу ажойиб маърифат масканини ҳаммага баравар нур сочувчи офтобга ўхшатдим. Ўзбекистон халқига, ёшларига бу маърифат меваларидан кўпроқ бахраманд бўлишни тилайман.

**Озода БЕКМУРОДОВА**